



ЁШ ГАНДБОЛЧИЛАРГА ДАРВОЗАГА ТЎП УЛОҚТИРИШ ТЕХНИКАСИНИ ҮРГАТИШ УСЛУБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

Сиддиқова Диёра Бахтиёр қизи

Самарканд давлат университети:

Ўзбекистон -Фенландия педагогика институти магистранти

Аннотация: Мазкур мақолада ёш гандболчиларга дарвозага тўп улоқтириш техникасини үргатиш услубини такомиллаштиришда қўлланиладиган замонавий инновацион технологияларнинг аҳамияти ўрганилиб илғор хорижий тажрибалар таҳлил этилган. Шунингдек мақолада ёш гандболчиларга техник ҳаракатларни үргатишда инновацион технологияларни қўллаш бўйича маълумотлар атрофлича ёритилган.

Калит сўзлари: техник-тактиқ, гандболчи, ҳужум, ҳужум ҳаракатлари, техник усуулла, ҳужум самарадорлиги.

Аннотация: В данной статье изучено значение современных инновационных технологий, применяемых в совершенствовании методики обучения юных гандболистов бросанию мяча в ворота и проанализирован передовой зарубежный опыт. Также в статье подробно изложена информация об использовании инновационных технологий в обучении юных гандболистов техническим движениям.

Ключевые слова: технико-тактический, гандболист, атака, атақующие действия, технический прием, эффективность атаки.

Abstract: This article examines the importance of modern innovative technologies used to improve the methodology for teaching young handball players to throw the ball into the goal and analyzes advanced foreign experience. The article also provides detailed information on the use of innovative technologies in teaching young handball players technical movements.

Keywords: technical-tactical, handball player, attack, attacking actions, technique, attack efficiency.

КИРИШ

Спортчилар заҳирасини шакллантириш тизимида ёш спортчиларни тайёрлаш, бошланғич тайёргарлик жараёнида уларда ҳаракат кўникумларини шакллантириш, мутахассислар томонидан ёш спортчиларнинг техник-тактиқ тайёргарлик самарадорлигини оширишга доир самарали ўйин техникаси методикасини такомиллаштириш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Бунда спортчилар ўзлаштиришидаги хатолар топологиясини ҳисобга олган ҳолда юзага келиши мумкин бўлган хатоларни минималлаштирувчи ҳамда





уларни бартараф этиш даражасини оширувчи замонавий инновацион технологияларнинг аҳамияти юқори ҳисобланади.

Хусусан ёш гандболчиларга бошланғич тайёргарлик жараёнида техник ҳаракатларни ўргатишда инавацион технологияларни қўллаш яъни 9-11 ёшли ёш гандболчиларни тўпни дарвозага улоқтириш техникасига бошланғич тайёрлашда юзага келадиган хатолар типологиясини ҳисобга олишга асосланган методикани ишлаб чиқиш бугунги кунда долзарб бўлиб қолмоқда.


Биз белгиланган мақсадга яъни юзага келадиган хатолар типологиясини ҳисобга олишга асосланган методикани ишлаб чиқишида адабиётларни таҳлил қилиш, педагогик кузатиш, педагогик лойиҳалаш усулларидан фойдаландик. Ўрганилган материаллар таҳлили ёш гандболчиларнинг дарвозага тўп улоқтириш техникасидаги хатолар таркибини ўрганиш натижалари, шунингдек уларнинг типологияси ва хатоларни тузатиш жараёнининг самарадорлигини аниқлаш, 9-11 ёшли гандболчиларга тўпни дарвозага улоқтириш техникасини ўргатишдаги ютуқлар, таркиб ва мазмунга доир асосий қисмлар таркибини белгилаб берувчи назарий ва услубий қоидаларни ишлаб чиқиш заруриятини асослаш ва уларни изоҳлаб бериш имконини берди.

Асосланган назарий ва услубий қоидалар 9-11 ёшли ёш гандболчиларни тўпни дарвозага улоқтириш техникасига уларни амалга ошириш жараёнида юзага келадиган хатолар типологияси асосида дастлабки ўргатишнинг янги методологиясини ишлаб чиқиш имконини беради.

Тадқиқотда бошланғич ўрганиш босқичида ўйин усулларини бажариш техникасини ўзлаштиришда ёш гандболчиларга хос хатоллар таркибини аниқлаш, қўл тўпи ўйини техникасини бажариш техникасини ўрганиш жараёнида юзага келадиган типик хатоларни бартараф этишнинг даврий чегараларини белгилаш, ёш спортчиларда ўйиннинг техник усулларини бажаришда учрайдиган типик хатолар ва уларни ўргатиш жараёнининг бошланғич ўрганиш босқичида тузатиш муддатини ҳисобга олиш алгоритмини ишлаб чиқиши мақсад қилдик.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Мактаб ёшидаги болалар учун гандбол техникасини бошланғич ўргатиш муаммосининг турли жиҳатлари бўйича манбаларни таҳлил қилиш [3, 4, 5, 7] бир тарафдан ўйин техникасини ўргатиш жараёни ёш спортчилар танасининг бази тизимларининг ёшга боғлиқ хусусиятлари [1, 6, 8] ва иккинчи тарафдан ўйин техникасини ўргатишнинг самарали услубиятининг йўқлиги ўтасида илмий зиддият мавжудлигини эътироф этиш имконини берди. Олдинги тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, бундай услубиятни ишлаб чиқиш учун ўйин усулларини бажариш техникасини ўзлаштиришда юзага келадиган типик хатоларни бартараф этишнинг даврий чегараларини белгилаш, ёш гандболчиларга хос хатоллар таркибини аниқлаш зарур: [2, 9, 10].





Шу сабабли тадқиқотнинг ушбу босқичининг мақсади юзага келадиган хатоларнинг типологияси асосига 9-11 ёшли ёш гандболчиларни тўпни дарвозага улоқтириш техникасига бошланғич тайёрлаш методикасини ишлаб чиқишининг назарий ва услубий қоидаларини асослашдан иборат.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ёш гандболчиларнинг умумий тайёргарлик сифатини оширишда, уларни юқори даражадаги ҳаракатларига эришишда, ҳар бир машғулотнинг аҳамияти юқори бўлиб, бунда машғулотлар муайян бир тайёргарликни ривожлантириш мақсадига қаратилмоғи лозим [3,2].

9-11 ёшли ёш гандболчиларга тўпни улоқтириш техникасини ўргатиш методикасининг асосий компонентларидан таркиб топган қуйидаги қоидалар ишлаб чиқилди:

-Ёш гандболчиларга тўпни дарвозага қўлга таянган ва таянмаган (сакраган) ҳолатларда туриб улоқтириш техникасини бошланғич спорт тайёргарлиги босқичида ўргатиш жараёнида юзага келиши эҳтимоли бўлган хатоларга йўл қўймаслик. Ушбу хатоликлар амалга оширилган холда уни тузатиш муддатларини минималлаштиришни таъминловчи ҳолатлар кўзда тутилганлиги;

Ушбу қоидани амалга ошириш, дастлабки спорт тайёрлиги босқичининг 1-йилидаги ёш гандболчиларини техник тайёргарлиги бўйича дастурий материалврни ўзлаштиришни назарда тутади. Умумпедагогик, жисмоний тарбия ва спорт машқлари тамойилларига риоя қилиш асосида амалга оширилади.

- Бошланғич спорт тайёргарлиги босқичидаги ёш гандболчиларни тўпни дарвозага қўлга таянган ва таянмаган (сакраган) ҳолатлардан туриб улоқтириш техникасини ўргатиш ўрганиш жараёни ва хатоларни самарали кетма-кетлиқда тузатиш каби аниқ мақсадга йўналтирилганлиги.

Ушбу қоидани амалга ошириш учун бошланғич ёш гандболчиларни ушбу ўйин усулларини бажариш техникасига дастлабки ўргатиш методологиясининг асосий компонентлари таркибида техник тайёргарлик бўйича мақсадли мэрралар, асосий вазифалар ва уларни машғулотлар давомида бажаришни назарда тутидади. Ушбу вазифаларни бажариш ўз навбатида асосий мақсадли мэррага эришишни таъмиламоғи ва ёш спортчилар томонидан тўпни дарвозага улоқтириш техникасини ўзлаштириш муддатини сезиларли қисқартириши лозим.

- Ёш гандболчиларни бошланғич спорт тайёргарлиги босқичида тўпни қўлга таянган ва таянмаган (сакраган) ҳолатлардан туриб улоқтириш техникасини мақсадли ўргатиш. Жараёнда машқли мэрралари қўлланиладиган усулларнинг бехато ёки минимал хатолар билан бажарилиши ҳамда юзага келадиган ноаниқликларни тузатиш муддатларини қисқартириш имконини берувчи машқлар мазмунини белгилаб бериши лозим.





Ушбу қоида 9-11 ёшли ёш гандболчиларни бошланғич тайёрлаш методикасида алгоритмлар мажмуасининг мавжудлиги зарурлигини белгилайди. Улар қуйидаги имконларни яратади: ҳаракатни бажариш техникасидаги хатоларни типологиялаш; техник усулни бажаришда юзага келадиган хатолар таркиби ва сонини минималлаштириш; ўйин усуллари техникасини ўрганиш жараёнида хатоларни тузатиш кетма-кетлигини рационаллаштириш.

Мазкур қоида бошланғич ёш гандболчиларни бошланғич спорт тайёргарлиги босқичида мақсадли мэрралари қўлга таянган ва таянмаган (сакраган) ҳолатлардан туриб тўпни улоқтириш техникасини ўргатиш жараёнининг мақсадли мэрраларга йўналтирилган бўлиши лозим. Шу билан бирга, биринчи навбатдаги мақсадли мэрралар қўлга таянган ва таянмаган (сакраган) ҳолатлардан туриб тўпни улоқтириш техникасини бажаришдаги машқлар мазмунини белгилаб бериши, иккинчи навбатдаги мақсадли мэрралар эса техник усулларни ўзлаштиришда юзага келувчи хатоларни тузатиш жараёни алгоритми ва унинг мазмунини белгилаб бериши лозим.


Ушбу мақсадли мэрраларни рўёбга чиқариш спорт тайёргарлигининг бошланғич босқичидаги ёш гандболчилар томонидан қўлга таянган ва таянмаган (сакраган) ҳолатлардан туриб улоқтириш усулларини қўллаганда юзага келувчи хатолар типологияси ва уларни тузатиш муддатига асосланмоғи лозим.

Мазкур қоида асосида бошланғич босқичидаги ёш гандболчиларга қўлга таянган ва таянмаган (сакраган) ҳолатлардан туриб улоқтириш техникасини ўргатиш алгоритми юзага келиш фазалари, юзага келиш суърати ва тузатиш муддати давомийлиги бўйича тузилган хатолар типологиясини ҳисобга олиш лозим.

Ушбу қоидадан келиб чиқиб тўпни дарвозага улоқтириш машқини тушунтиришда мураббий ушбу усулни амалга ошириш вақтида юзага келадиган хатоларга йўл қўймаслик мақсадида маҳсус ишлаб чиқилган алгоритмни қўллаши лозим. Бунда эҳтимолли хатолар юзага келиши кетма-кетлиги, хатоларни юзага келиш фазалари, частотаси ва тузатиш суратларини яққол акс эттирувчи тегишли маълумот картасидан фойдаланилади.

Қоида шу ҳақдаки, ёш гандболчиларга қўлга таянган ва таянмаган (сакраган) ҳолатлардан туриб тўпни улоқтириш усулларини ўргатишда ноаниқликларни тузатиш жараёнини усуллар бажарилаётганда юзага келадиган хатолар топологияси асосида амалга ошириш мақсадиги мувофиқ ҳисобланади.

Қоиданинг асоси бўлиб 9-11 ёшли ёш гандболчилар томонидан қўлга таянган ва таянмаган (сакраган) ҳолатлардан туриб тўпни улоқтириш усулларини бажаришлари чоғида юзага келадиган ноаниқликнинг такрорланиш





суъратини педагогис нуқтаи-назардан кузатиш натижалари хизмат қилади. Улар ушбу ноаниқликни қўйидагича топологиялаш имконини беради:

тез-тез учрайдиган хатолар (75% ёки ундан кўп юзага келиш ҳолатлари);

вақти-вақти билан юзага келадиган хатолар (юзага келиш ҳолатлари 26% дан 74% гача);

камдан-кам учрайдиган хатолар (25% ёки ундан кам юзага келиш ҳолатлари).

Бу қоида бошланғич босқичдаги ёш гандболчиларга қўлга таянган ва таянмаган (сакраган) ҳолатлардан туриб тўпни улоқтириш техникасини ўргатиш жараёнида юзага келадиган хатоларни тузатиш суърати уларни бартараф этиш борасида олиб борилган машқлар сони бўйича белгиланиши лозим.

Ушбу қоида 9-11 ёшли ёш гандболчиларнинг машғулотларини педагогик кузатиш натижалариiga асосланган бўлиб, бу мураббий томонидан ўйин усулларини бажаришдаги хатоларни тузатиш учун мураббий томонидан олиб борилган машғулотлар сони тайёргарликнинг бошланғич босқичдагилардан сезиларли даражада фарқ қилишини аниқлаш ва қўйидаги тарзда топологиялаш имконин берди:

тезда тузатиладиган хатолар;


тузатиш бир муддатда кечадиган хатолар;

узоқ муддатда тузатиладиган хатолар.

Спорт тайёргарлигининг бошланғич босқичидаги ёш гандболчиларга тўпни қўлга таянган ва таянмаган (сакраган) ҳолатлардан туриб улоқтириш техникасини ўргатишдаги хатоларни бартараф этиш алгоритми уларнинг юзага келиш фазалари, юзага келиш суърати ва тузатиш муддати давомийлиги бўйича тузилган хатолар типологиясини ҳисобга олмоғ лозим.

Мазкур қоида ушбу ўйин усулларини бажариш техникасини ўрганиш натижаларини тадқиқ этиш, уларни ўзлаштириш жараёнида юзага келадиган хатолар таркибини, ҳаракат босқичлари бўйича уларнинг сонини, муайян хатоларнинг юзага келиш частотаси ва уларни тузатишнинг давомийлигини аниқлаш имконини яратади. Бунга асосланиб қўйидаги топологияни тузиш мумкин (1-расм).





Спорт тайёргарлигининг бошланғич босқичдаги ёш гандболчиларнинг хатоларни бартараф этиш жараёнида тўпни қўлга таянган ва таянмаган (сакраган) ҳолатлардан туриб улоқтиришни ўрганишда юзага келадиган хатоларни тузатиш, масқулар жараёнида ноаниқликлар ва алоҳида кўзга ташланган хатоларни бартараф этиш, усулларни бажаришни ўргатиш кетма-кетлигига мос устувор равишда маҳсус ишлаб чиқилган алгоритм асосида амалга оширилади.

Ёш гандболчиларнинг хатоларни бартараф этиш жараёнида тўпни қўлга таянган ва таянмаган (сакраган) ҳолатлардан туриб улоқтиришни ўрганиш жараёнида машқулар таркиби ва мазмуни юзага келиш эҳтимили юқори хатоларни уларнинг юзага келиш частотасини ҳисобга олган ҳолда минималлаштириш ва тез суръатларда тузатиш ушун зарур шароит яратиши лозим.

Мазкур қоидани дарвозага тўпни улоқтириш техникасини дастлабки ўрганиш жараёнида татбиқ этиш учун мураббий ўз эътиборини жамлаши ва техникани бажариш босқичларида кетма-кетлиг фазалари бўйича ва қуйидаги устуворликда белгилаб бориши лозим:

камдан-кам юзага келадиган ва узоқ муддатда бартараф этиладиган;

вақти-вақти билан юзага келувчи ва узоқ муддатда бартараф этиладиган;


тез-тез юзага келувчи ва узоқ муддатда бартараф этиладиган;

камдан-кам юзага келадиган ва узоқ бўлмаган муддатда бартараф этиладиган;

вақти-вақти билан юзага келувчи ва узоқ бўлмаган муддатда бартараф этиладиган;

тез-тез юзага келувчи ва узоқ бўлмаган муддатда бартараф этиладиган;

камдан-кам юзага келадиган ва тезда бартараф этиладиган;





вақти-вақти билан юзага келувчи ва тезда бартараф этиладиган; тез-тез юзага келувчи ва тезда бартараф этиладиган;

Мазкур қоида спорт тайёргарлигининг бошланғич босқичдаги ёш гандболчиларнинг хатоларни бартараф этиш жараёнида тўпни қўлга таянган ва таянмаган (сакраган) ҳолатлардан туриб улоқтиришни ўрганишга доир машқлар таркиби ва мазмуни уларни юзага келишисуръатлари ва тузатиш тезлигидан келиб чиқсан ҳолда самарали бартараф этиш учун зарур шроитни таъминлайди.

Ушбу қоидани амалга ошириш учун тўпни дарвозага улоқтириш техникасини дастлабки ўрганиш жараёнида мураббий юзага келган хатоларни тузатишга киришар экан, машқлар таркиби ва мазмунини шундай танлаши керакки, улар хатоларнинг юзага келиш частотаси ва бартараф этиш тезлигидан келиб чиқсан ҳолда қуйидаги устувор кетма-кетликда тузатишни таминлаши лозим:

тез-тез юзага келадиган ва тез бартараф этиладиган;

вақти-вақти билан юзага келувчи ва тез бартараф этиладиган;

камдан-кам юзага келувчи ва тез бартараф этиладиган;

тез-тез юзага келувчи ва узоқ бўлмаган муддатда бартараф этиладиган;

вақти-вақти билан юзага келувчи ва узоқ бўлмаган муддатда бартараф этиладиган;

камдан-кам юзага келувчи ва узоқ бўлмаган муддатда бартараф этиладиган;

тез-тез юзага келувчи ва узоқ муддатда бартараф этиладиган;


вақти-вақти билан юзага келувчи ва узоқ муддатда бартараф этиладиган;

камдан-кам юзага келувчи ва узоқ муддатда бартараф этиладиган;

ХУЛОСА

Олинган натижалар шуни қўрсатадики, тўғри йўналтирилган машғулотлар натижасида ўйинчиларнинг техник-тактик тайёргарлиги анъанавий стандарт машқлар ва ўқувмашғулот ўйинлари ёрдамида такомиллаштирилди ва ёш гандболчиларнинг техник-тактик ҳаракатлари самарадорлиги сезиларли даражада ошади.

Юқорида таҳлилга тортилиб асосланган назарий ва услубий қоидалар 9-11 ёшли ёш гандболчиларни тўпни дарвозага улоқтириш техникасига дастлабки ўргатишнинг амалиёт жараёнида юзага келадиган хатолар типологиясига асосланган янги методологияни ишлаб чиқиш имконини беради.





АДАБИЁТЛАР:

1. Борисов Э.Л. Методические ОСНОВЫ тренировочного процесса ПО гандболу В СДЮСШОР: методическое пособие / Э.Л. Борисов, А.Л. Ратианидзе, А.А. Тузиков. М., 2013. - 95 С.
2. Бурчуладзе К.В. Состав и типологизация ошибок В технике выполнения юными гандболистками 9-11 лет бросков мяча ПО воротам / К.В. Бурчуладзе, М.М. Шестаков // Физическая культура и спорт В образовательном пространстве: инновации и перспективы развития: сборник материалов Всероссийской научно-практической конференции «Герценовские чтения»: В 2 Т. - Т. 1. - СПб.: ИЗД-ВО РГПУ им. А. И. Герцена, 2020. - С. 130-135.
3. Буянов Б. Техника нападения В гандболе: методические рекомендации для учителей / Б. Буянов. - М.: Со-ветский спорт, 2005. - 108 С.
4. Игнатьева В.Я. Многолетняя подготовка гандболистов В детско-юношеских спортивных школах: методическое пособие / В.Я. Игнатьева, И.В. Петрачева. - М.: Советский спорт, 2003. - 216 С.
5. Кудрицкий В.Н. Гандбол. Техника, тактика игры и методика обучения / В.Н. Кудрицкий. - Брест, БГТУ, 2002. 142 С.
6. Никитушкин В.Г. Организационно-методические ОСНОВЫ ПОДГОТОВКИ спортивного резерва / В.Г. Никитушкин, П.В. Квашук, В.Г. Бауэр. - М.: Советский спорт, 2005. - 232 С.
7. Рамзайцева А.А. Обучение ситуационной технике бросков мяча гандболисток 9-11 лет: автореф. дис. канд. пед. наук: 13.00.04 / А.А. Рамзайцева. - СПб., 2012. - 24 С.
8. Рамзайцева А.А. Обучение ситуационной технике бросков мяча В гандболе С использованием системы развернутых алгоритмов / А.А. Рамзайцева, Ю.М. Макаров, А.А. Чуркин // Ученые записки университета им. П.Ф. Лесгафта. - 2012. - № 10 (92). - С. 104-109.
9. Шестаков М.М., Бурчуладзе К.В. Теоретико-методические основания совершенствования методики обучения юных гандболисток технике бросков мяча в ворота на этапе начальной спортивной подготовки // Физическая культура, спорт – наука и практика. – 2020. – № 3. – С. 40-45.
10. Спортивные игры: Техника, тактика, методика обучения: учебник для студентов ВЫСШИХ педагогических учебных заведений / Ю.Д. Железняк, Ю.М. Портнов, В.П. Савин, А.В. Лексаков. - М.: Академия, 2004. - 520 С.
11. Шестаков М.М. Классификация ошибок В технике выполнения бросков мяча В ворота юными гандбо-листками 9-11 лет ПО длительности устранения / М.М. Шестаков, К.В. Бурчуладзе // Материалы научной и научно-методической конференции профессорско-преподавательского состава Кубанского государственного университета физической культуры, спорта и туризма. - Краснодар: КГУФКСТ, 2020. - С. 72-73.

